

# Картошка нархлари шаклланиши бўйича дайжест

Марказий банк | 2026 йил 20 июль ҳолатига

## ТАШҚИ ВА ИЧКИ БОЗОР НАРХЛАРИ ДАРАЖАСИ

### АСОСИЙ САВДО ҲАМКОРЛАРДАГИ НАРХЛАР ДАРАЖАСИ *(2026 йил, июль)*

| Давлатлар | Жорий нарх | Ўзгариши, % да | |
|---|---|---|---|
| | | *ўтган ойга нисбатан* | *ўтган йилнинг мос даврига нисбатан* |
| **Ўзбекистон** | 4 346 сўм | - 8,9 | - 15,9 |
| Россия | 5 572 сўм | + 1,6 | - 62,1 |
| Қозоғистон | 7 131 сўм | + 12,2 | + 1,1 |
| Қирғизистон | 6 687 сўм | - 13,0 | - 25,1 |
| Покистон | 2 249 сўм | + 17,8 | - 40,1 |

### ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР НАРХЛАР ДАРАЖАСИ *(2026 йил, июль)*

| Давлатлар | Жорий нарх | Ўзгариши, % да | |
|---|---|---|---|
| | | *ўтган ойга нисбатан* | *ўтган йилнинг мос даврига нисбатан* |
| Хитой | 4 964 сўм | - 37,5 | - 26,3 |
| Ҳиндистон | 2 815 сўм | + 5,7 | - 12,6 |
| АҚШ | 19 904 сўм | - 15,6 | - 6,3 |

### УЛГУРЖИ НАРХЛАР ШАКЛЛАНИШИ *(2026 йил, июль)*

**Маҳаллий нарх:** 3 500 сўм/кг

### КАРТОШКА НАРХЛАРИ ЎЗГАРИШИ *(2025/2026 янв-июнь)*

| 2025 | 2026 |
|---|---|
| 3,9 % | 7,9 % |

- *Ўзбекистонда бошқа ҳамкор давлатлар каби картошка нархлари сезиларли **пасайган**. Бу картошка глобал етилиш даври билан изоҳланади.*
- *Аксинча асосий импорт ҳамкор Қозоғистонда нархлар **ошган** бўлиб, бу янги ҳосил тўлиқ бозорга чиқмаган пайтда таклиф қисқариши билан боғланади.*

*Кузатувларга кўра, **2026 йил 15 июль** ҳолатига Республика бўйича картошка*
- *нархлари **энг қиммат** Тошкент шаҳрининг Миробод (**6 200** сўм) ва Яккасарой (**5 800** сўм) туманларида*
- *нархлари **энг арзон** Самарқанд вилоятининг Жомбой (**2 800** сўм) ва Тошкент вилоятининг Бўка (**2 950** сўм) туманларида сотилмоқда.*

## БОЗОР ОМИЛЛАРИ

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

**2026 йил**
- **Экин майдони:** 135 **минг** гектар;
- **Асосий ҳудудлар:** Самарқанд *(18–19%)*, Андижон *(12–13%)*, Фарғона *(11–12%)*, Наманган *(10–11%)*, Тошкент *(10%)* ва Сурхондарё *(9–10%)*.

**2025 йил**
- **Ишлаб чиқариш:** 4,2 **млн** тонна;
- **Ўсиш суръати:** **+12%** *(2024 йилга нисбатан)*;
- **Маҳаллий ишлаб чиқариш:** 84%;
- **Импорт** улуши: 16%.

### ИМПОРТ

***2026 (янв–июнь)***
- **Истеъмол** картошка — **411,2 минг** тн *(2025 йил 465,3 минг тн, -11,6%)*
- **Уруғлик картошка** импорти — **10,7 минг** тн *(4,3 минг тн, 2,5 баробар кўп)*

***2026 (1-16 июль)***
- **Истеъмол** ва **уруғлик** картошка — **8,0 минг** тн *(2025 йил 3,6 минг тн, 2,2 баробар кўп)*

**Асосий хулоса:**
- Июнь-июль ойларида маҳаллий картошканинг мўл ҳосили ҳисобига импорт камайган бўлиб, уруғлик импорти сезиларли кўпайган.

---

- **Картошка импортида бозор концентрацияси:**
  **2026** йил январь-июнь **Топ-5** та йирик корхона улуши: **81 %** *(2025 йил 69 %)*
  **импортёр корхоналар** сони **67 та** *(2025 йил 85 та)*
- ***Импорт географияси ўзгариши (2026 йил январь-июнь):***
  Қозоғистон – **82 %** *(2025 йил 23 %)*, Покистон – **8 %** *(62 %)*, бошқалар **10 %** *(15 %)*

### НАРХГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ БОШҚА ОМИЛЛАР

#### Ички

- Маҳаллий уруғлик **сифати пастлиги** ҳосилдорликни пасайтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.
- Ёқилғи, кимёвий воситалар ва ўғитлар нархлари импорт қилиниши ҳисобига **қиммат** шаклланмоқда.
- 2025 йилда **88 минг** га майдонга картошка етиштириш учун **400 млрд** сўм ажратилган, амалда **48 минг** га майдонга экилиб, маблағнинг атиги **25%** ишлатилган. 2026 йил 1 июль ҳолатига **60 минг** га майдонга картошка экиш учун **157 млрд** сўм ажратилиб, шунинг **96 млрд** сўми ёки **61%** ишлатилган.
- 2025 йилда картошка ўтган йилга нисбатан **12 %** кўп етиштирилган бўлса-да, унинг **67,5 %** деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **29,2 %** фермер хўжаликлари, **3,3 %** эса ташкилотлар ҳиссасига тўғри келган.

#### Ташқи

- Қозоғистонда 2026 йилда картошка экин майдонларини қўшимча 10 минг гектарга **кенгайтириш режалаштириши** яқин истиқболда картошка нархи шаклланишида ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда.
- Россияда янги ҳосил теримининг бошланиши билан картошка таклифи ортиб, айрим ҳудудларда нархлар пасайиши кутилмоқда. Бироқ Росстатга кўра, сўнгги ҳафталарда нархлар ошган. Бунга ёнилғи ва логистика харажатларининг кескин ортиши сабаб бўлмоқда.
- Қирғизистонда 2026 йилги мавсумда картошка экспорти **29 %** га, жумладан асосий импортчи Ўзбекистонга экспорт **27 %** га қисқарган — бу нархлар ошишига сабаб бўлиши мумкин.

## ҲАТАРЛАР ВА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

### ҲАТАРЛАР

- Эль-Ниньо иқлим прогнозлари фонида **Осиё, Африка ва Яқин Шарқ** давлатлари қурғоқчилик хавфи остида экспортни қисқартириб, захираларни кўпайтирмоқда.
- Қозоғистонда етиштириш харажатлари ортгани сабаб ҳосил нисбатан қимматроқ, талаб юқори бўлган ташқи бозорларга оммавий экспорт қилиниши кутилмоқда. Бу эса Ўзбекистон учун куз-қиш мавсумида импорт нархи ошиши ва Қозоғистон экспортга тақиқ/квота жорий этиши хавфини туғдириши мумкин.
- 2026 йил I ярмида Россия картошкаси экспортининг **77 %** Қозоғистонга йўналтирилиб, аксар қисми Ўзбекистонга реэкспорт қилинган. Келгусида Ўзбекистоннинг ушбу воситачиликка қарамлигининг ортиши, қўшимча логистика харажатлари ва савдо устамалари ҳисобига ички бозорда нархларнинг қимматлашишига олиб келиши мумкин.

### ҚАРОРЛАР ВА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР

**Имтиёзлар**

- **ПҚ-269-сон** *(08.09.2025 й.)* Президент қарорига асосан:
  - 2026 йилдан картошка етиштиришда ҳосил қийматининг **50%** гача **12%** ставкада, **6 ойлик имтиёзли** давр билан **12 ой муддатга** суғурта полиси асосида имтиёзли кредит ажратилади.

  *2026 йил январь-июнь ойларида картошка етиштириш учун **4 117 та** фермер хўжаликларга **96 млрд** сўм кредит маблағлари ажратилди.*

  - Уруғлик картошка импорти тадбирлари харажатларини молиялаштириш учун **95 млрд** сўм фоизсиз ссуда ажратилади.

  *“Булунғур-Агро Стар” орқали ушбу ссуданинг 80 млрд сўмига **6 минг тн “элита”** картошка уруғлари олиб келинган.*

  - Суғориш насослари учун қуёш панеллари ўрнатиш харажатлари ҳамда электр энергия харажатининг **50 % гача** *(50 млн сўмгача)* қисми давлат ҳисобидан қоплаб берилади.

**Уруғлик картошка етиштиришни ташкил этиш**

- “Булунғур-Агро Стар” томонидан баҳорги экинлар даврида картошка экиш учун аҳолига ижара асосида **37,7 минг га** экин майдони ажратилиб, амалда режадан **19 %** ортиқча *(44,7 минг га)* экилди.
- Германиянинг "Solana" компаниясидан **грант** асосида **40 тн** аввал Ўзбекистонда экилмаган **6 хил** элита навли картошка уруғлари олиб келиниб, синов тариқасида экиш ишлари бошланди.
- **100 га** майдонда картошка етиштиришнинг барча босқичлари автоматлаштирилган махсус **агротехнопарк** ишга туширилди.
- Голландия билан ҳамкорликда **53 млрд** сўмлик мажмуа барпо этилиб, таркибида **10 минг тн** лик омборхона *(2 минг тн музлаткич)*, “**in vitro**” лабораторияси, **ўқув маркази** ҳамда **қайта ишлаш** ва **қадоқлаш** тармоқлари мавжуд бўлади.
- Мисрдан келтирилган **250 минг** дона “**Hermes**” навли мини-туганаклар экилган бўлиб, бундан **10,1 минг тн** юқори репродукцияли уруғлик картошка олиниши ҳамда 2026-2028 йилларда улардан 40 минг гектар ерни сифатли уруғлик билан таъминлаш ва натижада **1,8 млн тн** картошка етиштириш режалаштирилган.